

Умумтаълим мактабларида рус тили ойлиги ўтказилмоқда

Мамлакатимиз мактабларида ноябрь ойининг рус тили ойлиги сифатида ўтказилиши Ўзбекистон туманидаги билим масканларида ҳам таълим жараёнларида ўқувчилар ва уларнинг устозлари фаоллигини янада оширди.

Ноябрь – рус тили ва адабиёти фани ойлиги муносабати билан тумандаги барча умумтаълим мактабларида очиқ дарслар, диктант, иншо, ижодий ишлар танловлари ҳамда ушбу ойликка бағишланган турли тадбирлар ўтказилмоқда.





Очиқ дарслар машғулотлари жараёнида инновацион усуллардан фойдаланиб, ўқувчиларнинг билимини ошириш, улардаги кўникмаларни ривожлантириш, аниқланган бўшлиқларни бартараф этишга қаратилган вазифалар амалга оширилмоқда.

Ушбу машғулотлар ўқувчиларнинг рус тилини янада чуқур ўрганиш, ўз тафаккурларини янада бойитишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги

2021-11-23 10:49:33